



Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

21 август, пайшанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 174 (1691)

● МИЛЛИЙ ДАСТУР

«ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА»

Республикамизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида ўқувчилар 1 сентябрдан ягона бошлайдиган янги курс шундай деб аталади.

У Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридан кўра Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда икки вазирилик — Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазириликларининг мутахассислари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган. Курс таълим-тарбия раҳбари Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» китоби асос қилиб олинган.
Курс дастури 50 та лекция ва семинар машғулотлари ўтказишга мўлжалланган. Бу машғулотларни ўтказадиган ўқитувчилар учун Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида малака ошириш курслари ташкил этилди. Бу ерда турли соҳаларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари лекция ўқишди.


А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг моддий шароитларини яхшилаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, етим болаларни ҳамда кам таъминланган оилаларнинг болаларини моддий таъминлаш ва биринчи синф ўқувчиларини зарур ўқув қуроллари билан таъминлашда давлат ёрдами кўрсатиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1997 йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим мактаблари ва барча тур ҳамда номадаги мактаб-интернатларнинг ўқитувчилари, ўрта махсус ва хунар-техника ўқув юртилари муаллими учун энг кам ойлик иш ҳақида фойзалар табақалаштирилган қўшимча ҳақнинг қуйидаги миқдорлари белгилансин:
- а) дафтарларни текширгандлик учун қўшимча ҳақ — 30 фойз миқдорда;
б) умумтаълим мактаблари, интернатлар (ўқитишнинг сессия режими бўйича ишловчи кечки (сменали) ўрта умумтаълим мактаблари, сиртки мактаблар ва бўлимлардан ташқари), ўрта махсус, хунар-техника ўқув юртиларининг ўқитувчиларига ва бошқа ходимларига синф раҳбарлиги учун қўшимча ҳақ — 50 фойз миқдорда;
в) ўқув хоналари ва лабораторияларини бошқарганлик учун қўшимча ҳақ — 25 фойз миқдорда.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1997 йил 20 август.



Мустақиллик туфайли мамлакатимизга хорижий сармоялар ва сармоядорлар билан жаҳоннинг энг илғор техника ва технологиялари ҳам кириб келди.
Истиқлолнинг дастлабки йиллари Ўзбекистонда фақат «Ўздурибита» уяли алоқа тизими монополияси мавжуд бўлаётган бўлса, мамлакат ўз озодлигини олти йиллигини нишонлаш арафасида турган шу кунларда алоқа тизимини тубдан ислоҳ қилишга қўмаклашувчи бир қатор хорижий компаниялар фаолият кўрсатмоқда. Шундан бири



«Алоқа ДЭУ» қўшма корхонасидир. Бутун республикамиз вилоятларида унинг шохбобчлари аҳолига жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатаётган.
СУРАТЛАРДА: «Алоқа ДЭУ»нинг Хоразм вилоятидаги бўлими иш жараёни ахс эттирилган; (чапдан) қўшма корхона раҳбари А. Бекназаров ва оператор П. Хўжаев; муҳандислар Қ. Қурбанов, Т. Юсупов таъмирлаш марказида; АТС ходимлари иш устида.

Р. ШАРИПОВ суратлари.

ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Республика Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 20 август кунини тегишли вазирликлар, қўмиталар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган мажлисда ана шу ҳақда гап борди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йигим-терими мавсумини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини бажариш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди».

Мажлиси республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқариди.
Республикамизда бу йил кенг майdonларда чипити плёнқа остига экиш технологиясининг жорий этилиши ва оқ-хаво, тупроқ ҳароратининг юк-бўгани бўлгани боис ҳосил аввалги йилларга қараганда анча эрта пишиб етилмоқда. Ўз пахта йигим-терими ташкил этиш шартлари ҳам барвақт киришиши таъкид этилди.
Мажлисида кишлоқ ва сув хўжалиги вазири М. Жўманийев,

Мажлисида ҳукумат қарориди белгиланган янги пахта териш машиналарини хўжалиқларга етказиб бериш, жойларда техника хизмат кўрсатишни ташкил этиш, ёнги-мойлани материаллари билан таъминлаш, шунингдек, далада ишловчилар учун зарур маданий-маиший шарт-шартлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.
Пахта йигим-теримига тайёргарликни жаладлаштириш борасида зултик билан ҳат этилиши зарур бўлган муаммоларга эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Қарорда кўрсатиб ўтилган вазифаларни беканим-қўят бажариш борасида мутасадди раҳбарларга аниқ кўрсатмалар берилди.
Мажлисида республика Бош вазирининг ўринбосари А. Мўлдошев қатнашди.

Анъанага мувофиқ, ташкилот қўмитаси ва нуфузли мусобақа иштирокчиларини ҳайратга соладиган қўлини соғатга тайёрламоқда. Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари Шўҳрат Жалиловнинг маълум қилишича, 9 сентябрь кунини Юнусобод спорт комплексинда турнирни очиб пайtida театрлаштирилган томоша кўрсатилди.
Миллий Баста бошқаруви раиси Рустам Азимов бўлажак мусобақа ҳомиylари тўғрисида сўзлаб берди.
Мажлисида Бош вазир ўринбосари Алишер Азизжўжаев, Мираброр Усмонов иштирок этди.

Мажлисида Бош вазир ўринбосари Алишер Азизжўжаев, Мираброр Усмонов иштирок этди.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» ТУРНИРИ ЮКСАК ДАРАЖАДА ЎТАДИ
20 август кунини республика Вазирлар Маҳкамасида «Президент кубоги» учун теннис бўйича халқаро турнирнинг таъкилоти кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди.

Мажлиси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилот қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков бошқариди.
Бу мусобақанинг нуфузи тобора охиб бораётгани, бу йил унда дунёнинг илтибо энг кучли теннисчилари ушбу энг кучли ташкилотчилар зиммасига турнирни юксак даражада ўтказиш мажбуриятини юклаши таъкидланди. Шу мақсадда турнирга тайёргарлик ишларига жалб этилган барча ташкилот ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш тизими пухта уйлаб тузилган. Бу ҳақда республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситов ахборот берди.

Тўғриси, маҳобатли Тиллакори, Шердор ва Улугбек мадрасалари қуршовидаги ушбу майдонни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлади. Қисқа фурсатда бу ерда қад қўтарган чиройли амфитеатр, таъбир жоиз бўлса, мейморий ансамбль билан ажиб тарзда уйғунлашиб кетибди. Соҳибқирон Амир Темуристонийдан Ҳамид Олимжон номидаги театр олдига қўйиб қўйилган қўйилган эса ободонлаштирилиб, янада кўракмилик касб этибди. Шунингдек, шаҳардаги Шоирлар хиёбони, маданият ва истироҳат боғи, Самарқанд туманидаги Нодир Девонбеги мадрасаси сингари яна бир қанча нуқталарда ҳам фестиваль тадбирларини ўтказиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилиб қўйилган.
Фағур ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИМОМОТАГА СУВ КЕЛДИ

Хўжаобод туманидаги кўхна Имомота кишлоғи аҳолисининг асрий орази ушларди: Мустақиллик байрами арафасида бу ердаги барча хонадонларга зилол сув келди.
«Анджисунрестрой» трести қурувчиларининг саъй-ҳаракати билан қуриб битказилган насос станцияси ёрдамида Чулустан тоғ ёнбаирликларида жойлашган кишлоққа юз метрдан кўпроқ пасткидан сув чиқарилади.
Янги иншоотнинг ишга туширилиши нафақат кишлоқ аҳолиси, унинг бор-роғлари ва томорқалари, балки Абдулла Қаҳҳор номи жамоа хўжалигидаги тўрт юз гектарга яқин экин майдонларини сув билан таъминлаш имконини берди.

К. НИЗОМОВ,
ЎЗА мухбири.

ЖИЗЗАХ ГИЛАМИ
Жиззах шаҳрида иш бошлаган «Ўтжизантён ЛТД» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси Бельгия технологияси асосида гилам ишлаб чиқара бошлади.
Мазкур фирманинг ишга туширилиши 35 нафар кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Фирма фаолият бошлаганига кўп вақт бўлмаган эса-да, ҳозиргача бу ерда 10 миң квадрат метрдан зиёд турли русумдаги гиламлар ишлаб чиқарилди.
Й. ЖўРА,
ЎЗА мухбири.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказишга қарор қилинган, дастлабки кунларда экинчи юкори ташкил этиш ва бадиий савияда ўтишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли тайёргарлик тадбирлари белгилаб олинган эди. Шунини айтиш керакки, бу вазирлар маҳкамаси қароридан кейин, мутасадди кишилар ва ташкилотларнинг жонқуярлиги туфайли, улар ўз вақтида тўлиқ амалга оширилди.

Фестивал дирекциясидан олинган маълумотларга қараганда, шу кунгача 32 мамлакат ва 2 та халқаро ташкилотдан жами 262 нафар санъат намоянадалари ушбу нуфузли мусиқа анжуманида иштирок этиш ниятида эканликларини маълум қилишди. Хитой, Туркия, Япония, Жанубий Корея, АҚШ, Хиндистон, Россия, Германия, Франция сингари қатор мамлакатлар ана шулар жумласидандир. Дунё маданий меросининг ноёб ганжиналари маскани бўлмиш кўхна Самарқандда ташкил этилаётган мусиқа фестивали ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг ҳам назаридан четда қолмади. Анжуманда мазкур ташкилот вакилларида Креспо Торал, Никита Дергачев, Айкава хоним, Моника Куратве ва


иқтисодий тараққиётга улкан ҳисса қўшган Буюк йўли мадҳ этилади. Епилиши чоғида эса мамлакатимизнинг кўзга қўринган санъат усталари иштирокида катта концерт дастури намойиш қилинади. Бир ҳафталик санъат байрами,

САМАРҚАНД МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Майкл Барри Лейнлар ҳам фахрий меҳмон сифатида ҳозир бўлишди. Халқаро мусиқа кенгаши аъзолари Ги Юо ҳамда Судаб Киянинг фестивалга ташрифи ҳам муҳим аҳамиятга эга, албатта.
Фестивалнинг таананали очилишида «Буюк ипак йўли» деб номланган катта концерт-спектакль намойиш этилишидан муштарийларимиз яхши хабардор. Кези келганда, шунини айтиш керакки, ушбу театрлаштирилган томошадан Шарқ халқларининг бой қадимий маданияти, маънавияти ва



БАЙРАМ ТУҲФАСИ



ШАҲАРЧАДА ЯНГИ ГУЗАР

Республикамиз мустақиллигининг олти йиллиги арафасида янги-янги иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Жамоат жойлари, кўчалар орасталаниб, ободончилик ишлари олиб борилаётди.

Яқинда Уйчи туманидаги «Унхаёт» саноят-савдо хусусий корхонаси жамоаси «Иттифоқ» маҳалласи аҳлига барча қулайликларга эга бўлган янги гузар мажмуини тортиқ қилди. Икки қаватли мухташам бино шарқона услубда қурилган бўлиб, ички ва ташқи безаклари кўркамлиги билан кишининг эътиборини тортади.

«Унхаёт» саноят-савдо хусусий корхонаси тажрибаси бунинг ёрқин далилидир. Айни пайтда янги гузар мажмуида 200 ўринли «Оталар чойхонаси», сартарошхона, кас-собхона, радио-телевизор тузатиш устaxonаси, бир қатор қосиблик шох-бачалари, 60 нафар аёл меҳнат қилаётган тикувчилик цехи ишлаб туриб-

ди. Янги гузар фойдаланишга топширилиши муносабати билан 70 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминланди. Хусусий корхона ишчиларининг сони эса 100 нафардан ошиб кетди.

«НОДИРА»НИНГ НИЯТИ

амалга ошса, арзон ва сифатли телевизорлар тайёрлаш йўлга қўйилади

Хорижий фирма дўконининг бириданман. Одамлар гавжум. Хар хил ўлчов ва турдаги теле-видеоаппаратуралар дид билан териб қўйилган. Бир қарашда кўргазмалар залини эслатади. Катта қизиқиш билан кузатаётган харидорлар маҳсулотнинг нархини кўриб, ўзларини четга олишади. Ўзаро шивирлашиб ҳам қўйишади: «Пулиям сифатига яраша бўлса керак-да».

Одамларни кузатарканман, бир фикр хаёлимда чарх уради. 1993 йили дўконларимиз рассталарида Тошкентда ишлаб чиқарилган «Нодира» телевизорлари пайдо бўлган эди. Кейинги пайтларда эса кўринмай қолди. Нега? Бунинг сабабини аниқлаш ниятида «Фотон» акционерлик жамиятига йўл олдим.

ошиқ-мошиқ ва бошқалар) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бирок бу ишнинг бошланishi эди, холос. Давр билан ҳамоҳанг қалам ташлаш, жаҳон андозаларига сифат ва дизайн жиҳатидан мос келадиган маҳсулот тайёрлаш мақсадида бирлашма 1996 йил декабрь ойида очик турдаги акционерлик жамиятига айлантирилди. Хар бири минг сўмлик 71421 дона акция чиқарилди. Унинг 85 фоизини бирлашма ишчи ва хизматчилари сотиб олишди.

жорий йилнинг 6 ойида бу кўрсаткич 147 миллион сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 10 фоиз ўсди. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг 90 фоизи республикамиз истеъмолчиларига етказиб берилса, 10 фоизи МДХ давлатларига валюта ёки бартер йўли билан экспорт қилинапти.

ташкил қилиниб, телевизор ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди. Негадир ҳозир мажмур телевизорлар кўринмай қолди? -- Бу ҳақда «Нодира» илмий-ишлаб чиқариш марказининг директорининг ўзи гапириб бера қолсин.

ГУЛИСТОН ДУНЁ БИЛАН ГАПЛАШАДИ

Гулистон шаҳрида «Ўздуробита» ўзбек-Америка қўшма корхонаси савй-ҳаракати туфайли уяли телефон алоқаси ишга тушди. Унинг афзаллиги шуки, мижознинг вақти бир неча баробар тежаллади.

Уяли телефон билан машинада, кемада, поездда олис шаҳар ва мамлакатлар билан бемалол алоқа қилишнинг имконини. У ишбилармон, тадбиркор, умуман, вақтининг қадрига етувчи ҳар бир киши учун қулай алоқа воситасидир.



"КАФОЛАТ" давлат - акциядорлик суғурта компанияси

Кўп миллатли Ўзбекистон халқини миллий байрам — республикамиз мустақиллигининг 6 йиллиги билан муборакбод этади.

Азиз ватандошлар, барчангизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, келгусида мамлакатимиз — Ўзбекистон буюк ва қудратли бўлиши учун қилаётган эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар ҳамда ижодий ютуқлар тилаймиз.

Биз доимо сизнинг хизматингиздамыз, азиз ватандошлар!

ТРАКТОРЧИНИНГ «КОМБАЙН» И Навбахор туманидаги «Учтўт» жамоат хўжалигининг тажрибали механикатори Абдували Исоқов ярқисиб деб топилган кишилар ва эҳтиёт қисмларидан гаплашадиган мўъжиз дон комбайни яратди. Унинг ёрдамида бир кунда беш тоннагача дон янчиши мумкин. Ерқул УМАРОВ, Ўза мухбири.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ! Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудларидаги хўнарамандлар, халқ усталари диққатига! Агар Сиз 5 йилгача ишлаб чиқараётган маҳсулотларингизга солиқ тўлашдан озод этилишни, хомашё топишдан, транспорт, асбоб-ускуналар билан таъминланишдан қийналмаслиқни истасангиз, ишлаб чиқарган маҳсулотларингизни бемалол сотиш ҳуқуқига эга бўлишни хоҳласангиз, «ХўНАРАМАНД» Уюшмасига аъзо бўлинг.

амалга ошириш учун ёрдам кўрсатиш имкониятини беради. Ўтган йилнинг май ойида Атлантика Кенгаши делегацияси таркибида Кавказ ва Ўрта Осиёга қилинган ташрифта биз бу муаммоларнинг бир-бирига алоқадорлигига ишонч ҳосил қилдик. Собик совет республикалари Россия, Эрон, Хитой Фарб давлатлари билан бирга XXI асрнинг Евроосиё энергетик балансига қўшилишдан ташвишланмоқдадир. Ўрта Осиёнинг янги мустақил республикалари (Қирғизистон ва уруш давом этаётган Тожикистондан ташқари) ўзларидаги сув ва кўмир захираларидан тараққийёт ва мустақиллиқни мустаҳкамлаш мақсадларида фойдаланишнинг ҳисоб-китобини қилишмоқда.

«БЎРОН»

мустақил давлатлари Форс бўғозида нефть, газ ресурсларининг мўқобил манбаи бўлиши жуда муҳим. Бунга эришиш учун улар (Марказий Осиёнинг янги мустақил республикалари) ўз энергетик ресурсларини кўптармоқчи асосда — нафкат Шымаога — Россияга, Балки Грузия, Кора денгиз орқали — Фарбга, Хитой орқали — Шарққа, Эрон, Афғонистон ва Покистон орқали — Жанубга тортилган қувурлар ёрдамида экспорт қилиш имкониятига эга бўлишлари керак.

хётни издан чиқариши мумкин эди. Афғонистондаги нисонинг йўналишидаги бу ўзгаришда, ахшиянки, ундай бўлмади. Дунёвий, этник жаҳдан мураккаб жамоаларни минтақадаги мавжуд чегаралар доирасида тутиб турган давлатлар даврида этник чалкашиklar сакланиб қолди. Афғонистондаги нисозга чек қўйилгани Марказий Осиёдаги барқарорлиқни таъминлаш калитидир. Бунинг ақш ҳам эътироф этмоқда.

Биринчидан, ислом ҳар қандай динлар каби фақатгина имон-эътиқоддан иборат эмас. У ўз фалсафаси ва энг мақбул турмуш тарзи ҳақидаги ўз тасаввурига эга бўлган дунёқарашлар системаси бўлиб, мафкура сифатида кўп қирралидир. Афғонистондаги бир-бирига қарама-қарши сиёсий гуруҳлар ислом ёғларини ўз фойдаларига ҳал қилиб, ўзларининг исломий давлатчилик концепциялари асосида «энг тақводор»лик муҳити ётганлигини пеш қилишмоқда. Ваҳоланки, ислом Афғонистонда қайсибир сиёсий кў марказининг таъсиринда ҳокимият учун курашувчиларнинг қуролига айланб қолган.

1) Тинчлик-осойишталик — бундай давлатларда ислом ўз ҳоқуқиятлари асосида, давлат ҳокимияти билан ислом ажралган ҳолда ёки сиёсий муҳитда консенсус тамойили устувор бўлади;

Афғонистондаги ҳар бир сиёсий кўнинг асосий мақсадларида иқоит-аҳшашлик мавжуд бўлиб, булар ҳокимиятни кўлга киритиш ва Афғонистонда исломий бир режимни мустаҳкамлаш. Ҳокимиятга интилишни нафкат Афғонистон, бундан дунё мамлакатларидаги сиёсий гуруҳларга хос иқтисодий ҳодиса сифатида тушунас бўлар. Аммо Афғонистондаги ҳар бир гуруҳнинг ўз исломий давлатчилик моделлари бўлишини қандай тушуномқ керак? Бу борадаги бизнинг мулоҳазаларимиз:

Руслан ЖУМАЕВ, сиёсий фанлар доктори.

ўтирмаган бўлсаларингиз керак? -- Йўқ, албатта. 1996 йилнинг бошида Россиянинг Александров ва Красноярск шаҳарлари корхоналари билан ҳамкорликда «Рекорд» ҳамда «Терфон» телевизорларининг бир туркумини ишлаб чиқардик. Лекин турли иқтисодий тузилар туфайли бу иш ҳам охирига етмади.

Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

ЧИРОҚ ЁНИҚ ТУРСИН!

Оламнинг чироғи -- Куй бор бўлсин,
Ой, юлдузлар доим унга ёр бўлсин,
Олам узра Зиё барқарор бўлсин,
Чироқ ёниқ турсин,
Чироқ ёниқ турсин!

Чироқ - нафрат эмас, бедорлик,
дават,
Чироқ -- нафрат эмас, меҳр-
муҳаббат,
Чироқ ёниқ турсин,
Чироқ ёниқ турсин!

Чироқ билан юрсин доим ҳар инсон,
Чироқсиз қолмасин ҳеч бир хонадон,
Доимо мунаввар турсин бу жаҳон,
Чироқ ёниқ турсин,
Чироқ ёниқ турсин!

Зиё бўлсин доим юрагимизда,
Зиё бўлсин доим қароғимизда,
Зиё пиллик бўлсин чироғимизда,
Чироқ ёниқ турсин,
Чироқ ёниқ турсин!

Инсоннинг қўлида чироғи бўлсин,
Инсоннинг дилида чироғи бўлсин,
Инсоннинг аёлида чироғи бўлсин,
Чироқ ёниқ турсин,
Чироқ ёниқ турсин!

Оламнинг чироғи -- Куй бор бўлсин,
Она-Ўзбекистон пайдор бўлсин,
Ўзбегимга доим толе ёр бўлсин,
Чироқ ёниқ турсин,
Чироқ ёниқ турсин!

Чироқ -- давлат эмас, шукуҳ,
мурувват,

Машраб БОБОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОНИМ


Уйқудан турибоқ кўтарганда бош,
Кўз остига олар сўлим маконни.
Оҳиста мўралаб, ҳа, Ота Куйи
Чарақлаб кузатар Ўзбекистонни.
Куйи дер: «Гўзалсан ичра жаҳоним...»
Бу ўлка ёлғиз сен -- Ўзбекистоним!

Тоғларинг сервиқор -- ўтолмас бургут,
Боғларинг табрифин битолмас қалам.
Чўлларни боғ этиш бўлмади унут...
Кенг олам ичинда ўзинг бир олам,
Жаҳонда тенги йўқ боғу бустоним --
Яшнайвер, мустақил Ўзбекистоним!

Шоирлар мадҳ этган бу чаман аро
Куйлашни булбуллар билгай саодат.
Максага етса ҳам, бўлиб маҳлиё
Сувиени ичган қуш қайтади албат.
Сехрингдан лол қолдим ота маконим --
Киндик қон гувоҳи Ўзбекистоним.

Чўлпоннинг интилаган толе юлдузи,
Ойбекининг фахрисан олтин деб билган.
Мадҳингга оз эрур юз шоир сўзи,
Олтин қаламлар ҳам ожизлик қилган
Ўзбекининг беқийс туганмас шони --
Бебаҳо хазина -- Ўзбекистоним!!!

Сафар ОЛЛОЁР.



• ХАЛҚ ИСТЕЪДОДЛАРИ САРЧАШМАЛАРИ

Андижон вилоятининг Кўргонтепа туманида фольклор-этнография мактабида тузилган «Бедана» номли берилди.

«БЕДАНА»НИНГ ПАРВОЗИ

Бу даста турли ёш ва касбдаги 15 га яқин ёшларни - тиббиёт ходимлари, педагоглар, ишчилар, фермерлар, жамоа ҳўжалиги аъзолари, лицей ва коллеж ўқувчиларини бirlаштирди. Тошкент давлат маданият институтини битирган Эркинжон Тошматов бу ижодий жамоанинг балий раҳбаридир. «Бедана» репертуарида ҳозирнинг ўзидagina элликдан ортиқ қўшиқ ва рақс бўлишига қарамастан, даста кун сайин янги халқ қўшиқлари, лапарлар, яқна ва гуруҳ бўлиб ижро этиладиган рақслар, маросим қўшиқларини улаштирмоқда. Уткир Охунжонов, Фотимахон Худойбердиева ижросидаги шўх рақслар, Назоқатхон Сотқинова, Матлубахон Саматова ва Қодиржон Худойбердиевларнинг қўшиқлари ҳақиқий халқ ижодиёти муҳлисариға жуда ҳур келмоқда. -- Асосий мақсадимиз - бобомолаларимиз ижро этган қўшиқлар ва рақсларни тоғлиб, ўрганиб, уларни сақлаб қолишдан, одамларға қувонч бағишлабғина қолмай, асрлар оша бизға етиб келган санъатимизни фарзандларимиз ҳам ўрганиши учун ҳаракат қилишдан иборат, -- дейди даста раҳбари Эркинжон Тошматов. - Бизнинг яна бир орузимиз бор: «Зилола» республика телевизион фестивалида иштирок этиш учун репертуаримизни бойитиб, маҳоратимизни ошириш.

Каримжон НИЗОМОВ.


Тошкент шаҳридаги Яққасарой туманида жойлашган «Зилола» жамоа корхонаси тугатилади. Даволар буйича қуйидаги манзилға мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 18. Телефонлар: 53-30-39, 53-28-03.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси раҳбарияти қўмита раисининг собиқ муовини, республикада хизмат кўрсатган кишлоқ ҳўжалиги ходими, нафақачи Камолжон МИРПУЛАТОВнинг бевақт вафот этганиға муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг Самарқанд вилояти буйича муҳбири Ҳамза Шуқурова палари бузуқворни САДРИДИН отанинڭ вафот этгани муносабати билан чуқур тазия билдиради.

«Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси жамоаси капитал қурилиш бошқармасининг етакчи муҳандиси Ҳалича Раҳимжоновға отаси Иброҳим ХАЛИЛОВнинг вафот этганиға муносабати билан чуқур тазия изҳор қилади.

ФАРРУХНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ



Туркиянинг Измир шаҳрида математик лойиҳалар буйича халқаро олимпиада бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 17 мамлакатидан 126 нафар иқтидорли ёшлар, шу жумладан, Тошкент

гуруҳи энг мураккаби эди. Бунда ун учта лойиҳа муҳожамға қўйилди. Ҳамюртимиз «Епиқ ҳавзадаги объект учун хавфдан қутулиш стратегиясини топиш» деб номланган лойиҳаси билан қатнашди. Лойиҳа ҳимояси инглиз тилида ўтди. Жаҳондаги еттига ривожланган мамлакатнинг атоқли фан арбобларидан иборат ҳайъат Ф. Қорабоевнинг ишини биринчи ўринға лойиқ топди. Унга олимпиаданинڭ олтин медали топширилди. Физика ва математика фанлари буйича бир қанча йирик олимпиадаларнинг совриндори бўлган Фарруҳ ўзбек-турк лицейи вакиллари қатнашган республика олимпиадасида голиб чиқиб, мазкур анжуманға йўланма олган эди.

(ЎзА).

АПКАЛ-Г
самарали дори бўлиб, қуйидаги мақсадларда ва болалар учун ҳам қўлланиши мумкин:

- суяк-бўғин аъзоларини мустаҳкамлаш;
- тиш эмалини мустаҳкамлаш;
- аллергия хасталиқлари ва рахитнинг олдини олиш.

Меъдир: кунига икки маҳал бир таблеткадан.

Чуқур доиралардан сўраш.

Тўрақов вақити фарий, зилзила

ТУРОН
ОСИЕ ТЕХНИК КОМПАНИЯСИ

Япония, АКШ ва Европада ишлаб чиқарилган энг замонавий технолоғик ускуналар
Манзилимиз: Тошкент ш., Абай кўч., 4А. Тел./ факс: (3712)144-59-55,144-55-12
Кичик машиналар бўлими: (3712)140-31-82. Пейджер (067) 34-33

БЕВОСИТА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ НАРХЛАРИДА:

RISON FT 4415/4418 ТОНЕРИ	- 3100 сўм
R/XEROX 5026 ТОНЕРИ	- 1500 сўм
R/XEROX 5316/5317/5017 ТОНЕРИ	- 4700 сўм
HP 5L ТОНЕРИ	- 950 сўм
CANON FC ТОНЕРИ	- 980 сўм

• KONICA (Япония) нусха кўчириш техникасининг қуйидаги моделлари:
Konica KONICA 1212 - 12 нусха/мин.

• RISO (Япония) кичик босмахоналарининг қуйидаги моделлари:
RISO RISO TR 1510
RISO GR 3750

• MULTIVAC (Германия) вакуумли ўраш-жойлаш мосламаси
MULTIVAC

• Юқори қувватли рақамли стабилизаторлар (Ўзбекистон)



МАТБАА УЧУН БАРЧА НАРСА:

- Қоғоз қирқиш ускунаси, **IDEAL** (Германия) Қоғозни йўқ қилиш мосламаси
- REXEL (Англия) муқовалаш ускунаси
- REXEL (Англия) **REXEL** Ламинаторлари
- RAPID (Швеция) электр степлерлар **RAPID**

Тошкентдаги омбордан



Шарқнинг ҳаққоний қадрийтлари

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Хуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0522, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болпен.
Навбатчи — Ф. Шермухаммад.
Мусаҳҳих — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишға тошшириш вақти—21.00 Босишға тошширилди — 21.45 1 2 3 4 5 6